



ИСТИҚЛОЛ — БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИНИНГ ШОНЛИ САҲИФАСИ

“Янги Ўзбекистон” боғида Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди



Ўттиз йил. Камолот ёши, етуклик фурсати. Мустақил тараққиётимизда бу йиллар чин маънода улғайиш даври бўлди.

Ўттиз йилда халқимиз, ёш авлодимиз онгу тафаккури тубдан ўзгарди, озод ва

обод Ватанимизнинг янги шонли тарихини яратдик. Ўтган йилларда элимиз ўз тақдирига эга чиқиб, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш учун астойдил меҳнат қилди.

Ўтган давр том маънода бунёдкорлик, миллий ўзлиқни англаш ва тарихий давлатчилигимизни тиклаш фурсати бўлди.

Бугун дунё ҳамжамиятида “Янги Ўзбекистон” тушунчаси пайдо бўлди. Президентимиз

Шавкат Мирзиёев бошчилигида катта ислохотлар даврига қадам қўйдик.

Янги Ўзбекистон тарихидаги кейинги 5 йил. Бу тарихан жуда қисқа, лекин мазмунан элни янгилаган даврда биз халқчил ва демократик

тамойилларга асосланган Буюк ўзбек йўлига асос солдик. Бу йўлда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимиз фаровонлигини таъминлашга устувор аҳамият қаратилди.

▶ Давоми 5-бетда



ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ — БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Бугун юртимизда улуг байрам, катта тантана. Кўп миллатли Ўзбекистон халқи жонажон Ватанимиз истиқлолининг шонли ўттиз йиллик тўйини зўр шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

“Янги Ўзбекистон” деб ном олган мана шу муаззам боғда биз бугун биринчи марта Мустақиллик байрамини ўтказмоқдамиз.

Шу муносабат билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, ўзимнинг самимий ва энг эзгу тилақларимни билдираман.

Азиз дўстлар!

Барчамизга аёнки, эл-юртимиз асрлар давомида озод ва эркин ҳаётни, адолатли жамиятни орзу қилиб яшади. Бу муқаддас мақсад йўлида жон олиб, жон бериб курашди, машаққатли синовларни мардона енгиб ўтди.

Халқимиз қалбидаги хуррият сари эзгу интилишни ҳеч қандай босқин, зулм ва зўравонликлар йўқота олмади. Бунга кўҳна тарихимизнинг ўзи гувоҳ.

1991 йил 31 август куни мамлакатимиз ҳаёти ва тақдирида туб бурилиш ясаган, том маънодаги буюк тарихий воқеа юз берди. Неча юз йиллар давомида келажакка катта умид ва ишонч билан

қараб, ҳамиша сабр-матонат билан яшаган халқимиз улуг орзусига эришди — ўзининг давлат мустақиллигини кўлга киритди.

Бугунги кутлуг айёмда барчамиз, бутун халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов номи, у кишининг бевоқиф раҳбарлигида, халқимизнинг матонати ва жасорати билан амалга оширилган улкан ишларни эсга олишимиз табиийдир.

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументи очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Муҳтарам ватандошлар!

Бугун барчамиз, кўп миллатли бутун халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик кутлуг байрамнинг қувончи ва шукҳи билан яшамоқдамиз.

Азал-азалдан обод шаҳар ва қишлоқлар, боғу роғлар, бетакрор маданий обидалар бунёдкори сифатида шухрат қозонган меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз пандемия ва глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ушбу тарихий санани муносиб меҳнат зафарлари, улкан ютуқ ва ғалабалар билан қутиб олмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги-янги корхоналар, замонавий уй-жойлар, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, раван йўл ва кўприклар, боғ ва хиёбонлар барпо этилмоқда.

Халқимиз фаровонлигини юксалтириш, ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашга қаратилган ўнлаб йирик лойиҳалар, ижтимоий дастурлар амалга оширилмоқда.

Айни дақиқаларда барчамиз яна бир тарихий воқеа, яъни истиқлолимизнинг шонли санасига бағишлаб бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументининг тантанали очилиш маросимида тўпланиб турибмиз.

Ёдингизда бўлса, биз май ойда кенг жамоатчилик билан бирга яхши ният билан боғ ҳудудига дастлабки ниҳолларни экиб, мажмуага тамал тоши қўйган эдик.

Бугун эзгу орзу-интилишларимиз ижобат бўлиб, қисқа муддатда халқимиз, бунёдкор ватандошларимизнинг азму шижоати билан мана шу улкан майдонда муаззам боғ ва

ёдгорлик комплексини барпо этишга эришдик.

Биз тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нурунийлар ва ёшларимиз билан маслаҳатлашиб, “Янги Ўзбекистон” мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратдик.

Агар юқоридан назар ташласангиз, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шоҳига ўхшайди. Бу эса, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади.

Бу гузал боғда пойтахтимиз аҳолиси, Тошкент вилояти ва барча ҳудудларимиздан, хориждан келадиган меҳмонлар яйраб дам олиши, оила-си, фарзандлари билан бирга мазмунли хордиқ чиқариши учун барча замонавий шароитлар яратилмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбобларидан самимий қутловлар келмоқда.

Уларда хорижий ҳамкорларимиз мамлакатимизнинг истиқлол йилларидаги юксак муваффақиятларини алоҳида қайд этган. Кейинги йилларда демократик янгилашлар, кўп миллатли халқимиз турмуш сифати ва фаровонлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурини амалга оширишдаги натижалар, шунингдек, янги Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи роли эътироф этилишига ва мамлакатимиз халқаро нуфузининг мустаҳкамланишига хизмат қилаётган конструктив ва прагматик ташқи сиёсатни олиб боришдаги ютуқлар таъкидланган.

Мақтубларда давлатимиз раҳбарига янги муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тилаклари изҳор этилган.

▶ Давоми 4-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” БОҒИ ВА МУСТАҚИЛЛИК МОНУМЕНТИ ОЧИЛДИ

2021 йил 31 август куни истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

— Бугун барчамиз, кўп миллатли бутун халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик кутлуг байрамнинг қувончи ва шукҳи билан яшамоқдамиз. Азал-азалдан обод шаҳар ва қишлоқлар, боғу роғлар, бетакрор маданий обидалар бунёдкори сифатида шухрат қозонган меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз пандемия ва глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамасдан, ушбу тарихий санани муносиб меҳнат зафарлари, улкан ютуқ ва

ғалабалар билан қутиб олмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу боққа жорий йил 1 май куни илк қўчатлар экилган эди. Тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, нурунийлар ва ёшлар билан маслаҳатлашиб, “Янги Ўзбекистон” мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратилди.

Агар юқоридан назар ташласангиз, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шоҳига ўхшайди. Бу Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини рамзий маънода ифода этади.

▶ Давоми 3-бетда

ВАТАН ФИДОЙИЛАРИНИНГ ҲАЁТИ ВА МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ, ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 август куни пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиёбонига ташриф буюрди.

У ерда жамоатчилик ватанимиз фидойилари, миллий истиқлол йўлида қурбон бўлган аждодларимиз хотирасини ёд этиш учун йиғилди. Қўрьон тиловат этилиб, ўтганлар ҳақида дуо қилинди. Элга ош тортилди.

Мустабид тузум даврида юртимиз озодлиги учун курашган 100 мингдан ортиқ ватандошларимиз қатагонга учраган. Уларнинг қанчаси “халқ

душмани” деган тўхмат билан шафқатсиз отиб ташланган. Яна қанчаси сургун қилиниб, азоб-қўбатларга дучор этилган. Оилалари пароканда бўлиб, мол-мулклари тортиб олинган. Бу мудҳиш жиноятдан муштипар момоларимиз, оналаримиз ҳам омон қолмаган. Минглаб аёллар бева, болалар етим қолган.

▶ Давоми 5-бетда

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ — БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Бошланиши 1-бетда

Истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида муҳим ишлар бажарилди. Қисқа муддатда мамлакатимиз Конституцияси ишлаб чиқилди. Замонавий давлатчилик асослари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари шаклланди.

Мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли Кучлар барпо этилди.

Миллий валютамиз — сўм жорий қилинди, олтин-валюта захираларимиз шакллантирилди. Қадимий тарихимиз, бой маданий меросимиз, миллий-диний қадриятларимиз, ўзлгимиз тикланди.

Мухтасар айтганда, кўпни кўрган халқимиз ўзининг мустақкам иродаси ва матонати, бекиёс салоҳиятини намоён этиб, тарихан қисқа фурсат ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Ватанимиз жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Мана шундай буюк тарихий жараёнларда фаол иштирок этиш насиб қилганидан кўпчилик ватандошларим қатори мен ҳам бахтиёрман.

Хурматли тантана қатнашчилари!

Биз бугун халқчил ва демократик тамойлларга асосланган янги Ўзбекистон давлатини, эркин фуқаролик жамиятини барпо этмокдамиз. Шу мақсадда аввало бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорлиқни мустақамлашга энг муҳим вазифа сифатида устувор аҳамият қаратмокдамиз.

Бугун дунёда ва минтақамизда, чегараларимизда кескинлик, турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда бу масаланинг қандай бекиёс аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Давлат ва жамиятимизнинг сиёсий ҳуқуқий пойдеворини мустақамлаш, мамлакатни модернизация қилиш, бу жараёнда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган кенг қўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмокда. Демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ва виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмокда.

Республикамизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Кўп йиллардан буён жиддий муаммо бўлиб келган мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролик масаласи бўйича қақриғига жавобан 2020 йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиғи берилди.

Маълумки, мустақил ва кучли суд ҳокимияти инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонунийликни қарор топтиришнинг асосий шартидир. Бу йўналишдаги устувор вазифаларга доир 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда улар асосида жиддий амалий ишлар олиб бориломда.

Ана шундай хайрли ишларимизнинг мантикий давоми сифатида мен куни кеча Мустақиллик байрами муносабати билан яна бир муҳим фармонга имзо чекдим. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озодликдан маҳрум этиш жаосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалishi йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв этилиб, ўз оиласи ва яқинлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолиғига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

Мухтарам юртдошлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган беш йиллик вақт барчамиз, бутун мамлакатимиз, халқимиз учун кескин синовлар даври бўлди. Аниқска, 2020 йили бошланган коронавирус пандемияси ва шу сабабли келиб чиққан иқтисодий инқироз глобал дунёнинг ажралмас қисми сифатида Ўзбекистон учун ҳам жиддий муаммоларни юзага келтирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хулосасига кўра, пандемия Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё миқёсида юз берган энг улкан синовдир.

Едингида бўлса, биз пандемия бошланган илк кунларда бу қийинчиликлардан янада тоблини, кучли ва қудратли бўлиб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Яратганинг инояти, эл-юртимизнинг аҳиллиги ва фидокорона меҳнати билан бу машаққатли синовларни мардона ениб ўтмокдамиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ва кенг қўламли ислохотлар юртимизда янги даврни — янги Ўзбекистон даврини бошлаб берди.

Бугун юртимизда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит пайдо бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Халқро валюта жамғармаси ва нуфузли рейтинг агентликлари таҳлилларига кўра, ҳозирги қийин ва мураккаб шароитда Ўзбекистон жаҳоннинг саноқли мамлакатлари қаторида молиявий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармокларини тиклаш ва иқтисодий фаоллиқни оширишга эришиб келмокда.

Мана, яқинда Америка Қўшма Штатларининг “J.P.Morgan” инвестиция банки томонидан эълон қилинган “Ўзбекистон: юқсалиш йўли” номли таҳлилий ҳисоботда ҳам айнаи шу фикрлар баён этилган.

Шу ўринда иқтисодиётимиздаги таркибий ислохотлар ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишни зарур, деб биламан.

2017-2020 йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш даражаси 18,3 фоизни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулот 60 миллиард долларга етди. Бу ҳақда гапирганда, ташки савдо айланмаси 2016 йилдаги 24 миллиард доллардан 2020 йилда 36 миллиард долларга кўнайганини таъкидлаш лозим. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 369 триллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 23,4 фоизга ўсди. Натижада саноат маҳсулотларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 19,5 фоиздан 27,4 фоизга кўтарилди. Иқтисодий соҳани, жумладан, божхона тартибларини либераллаштириш туфайли 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 миллиард долларни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 25 фоизга ўсди.

Ислохотларимиз самарасининг турли халқро рейтингларда тан олинishi мамлакатимиз учун халқро молия бозорларига чиқиш имкониятини яратди. Жумладан, жорий йилда 635 миллион долларлик ва 2,5 триллион сўмлик давлат еврооблигациялари, Ипотека банкнинг 785 миллиард сўмлик ва “Ўзавтомоторс” акциядорлик жамиятининг 300 миллион долларлик корпоратив облигациялари чет эл инвесторларига сотилди.

Сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига бўлган ишончини кескин оширишга муваффақ бўлди. Инвестицияларнинг умумий ҳажми қисқа муддатда 2,1 мартага, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажми 3 баробарга яқин ўсгани ҳам бунинг исботидир.

Ўтган уч йил мобайнида солиқ соҳасида янги тизим жорий этилди. Солиқлар сони сезиларли даражада камайtirилди, айланма маблағдан олинадиган солиқлар бекор қилинди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пайаситирилиб, ушбу солиқ занжирининг яхлит тизими яратилди.

2017-2020 йилларда банкларимиз капиталлари 5,7 баробар ёки 5 миллиард долларгача оширишга эришдик. Электрэнергетика, нефть-газ, коммунал соҳаларда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида давлат бошқаруви ва ҳўжалик функциялари бир-биридан ажратилди, рақобат муҳитини яратиш учун муҳим қадамлар ташланди.

Айни пайтда янги-янги инфратузилма тармоклари барпо этилди. Миллат километр узунлиқдаги янги йўллар, электр ва газ тармоклари қурилди ва таъмирланди.

Жамоат транспорти изчил ривожланмокда. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2 та янги метро станцияси ҳамда қарийб 12 километрик ёр усти метро линияси фойдаланишга топширилди.

“Сергели” йўналиши бўйича 6,2 километрик қурилиш ишлари якунланди.

Айни пайтда Ўзбекистонда қўллаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шулар қаторида яқинда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 3-ми бойитиш фабрикаси қурилишга тамал тош қўйилганидан барчангиз хабардорсиз.

Куни кеча Навоий вилоятининг Кармана туманида 110 миллион доллар инвестиция ҳисобидан ишга туширилган қўёш электр станцияси Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи улкан қадм бўлди.

Айни пайтда “Навоийазот” акциядорлик жамиятида иккита янги завод — азот кислотаси ҳамда аммиак ва қарбамид ишлаб чиқариш

корхоналари ишга туширилди. Умумий қиймати 1,5 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар эвазига “Навоийазот”да маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ошди.

Бундай муҳим воқеалар миллий саноатимиз тарихида янги давр бошланаётганидан далолат беради.

Юртимизда кичик ва хусусий бизнес субъектлари икки баробар кўпайиб, соҳада 1 миллион 400 мингга янги иш ўрни яратилди. Бу корхоналарнинг ярмидан кўпроғи кейинги уч йилда ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мақсадида 16 та қонун, 100 дан зиёд қарор қабул қилинди. Ўтган бир йил давомида лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди ҳамда уларни бериш муддатлари қисқартирилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида барча текширувлар учун мораторий эълон қилинди.

Шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган аҳоли учун қўлай шароит яратиш натижасида бир йилда 500 минг нафар фуқаро рўйхатдан ўтиб, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўйди.

Тадбиркорлик соҳасидаги мана шундай ёндашув натижасида Жаҳон банкнинг “Бизнесни юритиш” халқро рейтингинида Ўзбекистон беш йил ичида 141-ўриндан 69-ўринга кўтарилди. Албатта, бу жиддий кўрсаткич, аммо у ҳали бизни қониқтирмайди. Шунинг учун биз ушбу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Хабарингдек, бор, яқинда тадбиркорлар билан янги форматдаги учрашув ўтказдик. Унда мамлакатимиз бўйича 10 мингдан зиёд ишбилармонлар қатнашди. Очиқ мулоқотга тайёргарлик доирасида 15 мингдан ортиқ тақлиф ва ташаббуслар атрофлича ўрганилиб, тадбиркорлар кўтарган масалалар бўйича амалий чоралар белгиланди.

Биз миллий иқтисодиётимизда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатимизни тараққий эттириш учун тадбиркорларга бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз. Нега деганда, тадбиркор — иқтисодиётнинг, ислохотларимизнинг асосий таянчи ва локомотивидир.

Мана шу ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак.

Бугунги кунда замонавий иқтисодиётнинг энг истиқболли соҳаси бўлган ахборот-коммуникация технологиялари мамлакатимизда кенг жорий этилмокда. Шу мақсадда ўнлаб IT-парклар, кичик саноат зоналари, соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган ўқув масканлари, иқтидорли компьютер дастурчилари учун махсус лойиҳалар ташкил этилмокда.

Аҳолимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқ жойларини ривожлантириш ва обод қилиш, агар соҳанинг самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш, тармоқда янги иш ўринлари яратиш масаласи доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмокда.

Биз қишлоқ ҳўжалигида нархлар шаклланишига давлат аралашувини бекор қилдик, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси тугатилди. 122 та пахта-тўқимачилик кластери фаолияти йўлга қўйилиб, юқори ҳосил олишга эришилди. Қишлоқ ҳўжалигини молиялаш тизими қайта қўриб чиқилмокда.

Биз ҳудудларни тармоклар билан бирга комплекс ривожлантириш бўйича янги тизимни жорий эдик. Бунинг натижасида ҳудудларнинг молиявий имкониятлари кенгайиб, 2021 йилнинг ўзида маҳаллий дастурлар учун қўшимча 3 триллион сўм маблағ шакллантириш имконияти пайдо бўлди.

Бугун ишонч билан айта оламизки, Ўзбекистон учун глобал инқирознинг оғир дамлари ортда қолмокда.

Иқтисодиёт тармокларининг ривожланиш сўратини аҳолининг реал ялпи даромади 2016 йилга нисбатан 28 фоизга ўсганида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги кунда номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи 2,7 миллион сўмни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробарга оширилди.

Мана, яқинда қабул қилинган Фармонга биноан, мамлакатимизда 1 сентабрдан иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини яна оширдик.

Биз бундан буён ҳам аҳолимизнинг даромади ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга жиддий аҳамият қаратамиз.

Юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос янги тизими яратилганидан барчангиз яхши хабардорсиз. “Темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “меҳр дафтари”, “маҳаллабай” ишлаш усуллари айнан шу мақсадда жорий этилмокда.

Ислохотлар доирасида қабул қилинган йирик дастурлар жамиятимизда ижтимоий муҳитни яхшилаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмокда. Биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини оладиган бўлсак, жорий йилнинг ўзида жами 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20 триллион сўмлик қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Бу ишларнинг барчаси **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”** деган эзгу даъват асосида амалга оширилмокда.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб келмокда. 2017-2020 йиллар давомида 140 мингдан зиёд арзон ва сифатли уй-жойлар бунёд этилди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан қарийб 11 баробар ошди. Республикамизда ипотека тизими изчил ривожланмокда.

Шуни таъкидлаш зарурки, юртимизда илгари ҳеч қачон бундай катта қўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмаган.

Оғир турмуш шароитида яшаётган оилаларнинг уй-жой бўйича бошлангич бадаллари давлат бюджети ҳисобидан тўлаб берилмокда. Бу йўналишдаги ишларимиз давом эттирилади, шу йилнинг ўзида яна 50 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланади.

Қадрли дўстлар!

Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳалари ҳал қилувчи ўрин тутишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда юртимизда тиббиёт соҳаси, унинг фаолият мазмуну тубдан ўзгармокда, десак, янглишмаган бўламиз. Аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати ва самарадорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга кўтарилди. Кўп тармокли поликлиника ва касалхоналарнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустақамланмокда.

Тез тиббий ёрдам тизими замон талаблари асосида қайта ташкил этилиб, молиявий таъминоти кучайтирилди.

2016 йилда мавжуд бўлган 800 та “Тез ёрдам” шохобчасининг сони бугунга келиб 1 минг 666 тага етказилди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони эса 1 минг 648 тадан 2 минг 685 тага қўлайтирилди.

Маълумки, илгари қўллаб юртдошларимиз мураккаб тиббий операцияларни ўтказиш учун чет элларга боришга мажбур эди. Кейинги йилларда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга оид ислохотлар натижасида бундай амалиётлар энди ўзимизда ҳам муваффақиятли амалга оширилмокда.

Республикамиз аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатаётган марказлар сони 2016 йилда 10 тани, уларнинг ҳудудий филиаллари эса атиги 2 тани ташкил этарди. Бугунги кунда бундай марказларнинг сони 20 тага етказилди, жойларда эса 124 та филиал фаолияти йўлга қўйилди. Бу ишни давом эттириб, жорий йилда яна қўшимча 48 та ҳудудий филиал ташкил этилади.

Ҳаммангиз қўриб турибсиз, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни ўз вақтида бошлаб, тўғри йўл танлаганимиз учун қўтллаган пандемия қаршида саросимага тушиб қолмадик. Халқимизнинг соғлиғи ва ҳаётини асраш мақсадида зудлик билан барча тадбирларни ишлаб чиқдик. Жумладан, коронавирусга қарши курашиш учун махсус тиббий марказлар ташкил этилди. Дори-дармон ва ҳимоя воситаларининг захираси шакллантирилди.

Ҳудудларда ишга туширилган 60 та киспород станцияси тегишли шифохоналарни киспород билан узлуксиз таъминлашга хизмат қилмокда. Мамлакатимизда вакцина ишлаб чиқариш бўйича амалий ишлар бошланди.

2021 йил учун давлат бюджетида 3 триллион сўм захира шакллантирилди, аҳоли соғлиғини сақлаш ва коронавирусга қарши эмлаш чораларини кўрпаяпти. Халқимизни тезкор ва самарадор, сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашга қаратилган ислохотлар изчил давом эттирилади.

Азиз ватандошлар!

Атоқли маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг: **“Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”**, деган ҳикматли сўзларини мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман.

Кейинги йилларда масалага мана шундай ёндашув бизнинг ушбу соҳадаги фаолиятимиз мезонига айланди.

Чиндан ҳам, агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса — бутун жамиятимиз ўзгаради.

Шу боис, биз узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмокдамиз.

Таълим-тарбиянинг бошлангич бўғини бўлган мактабгача таълим тизимидаги ўзгаришлардан ҳаммангиз яхши хабардорсиз. Соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлигини ташкил эдик.

2017 йили юртимизда 5 минг 211 та боча фаолият юритган бўлса, жорий йилда бу рақам — тасаввур қилинг — 19 минг 316 тага етди. Давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳамда оилавий боғчаларнинг жорий этилиши, бир қатор имтиёзлар берилиши туфайли 13 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислохотлар натижасида биз мактабгача таълимга қамров даражасини 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етказишга эришдик.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмокда. Биргина 2020 йилни оладиган бўлсак, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Таълим соҳасида янгича ёндашувлар фаол жорий этилмокда. Ўзингиз айтинг, бундан тўрт-беш йил олдин республикамизда хусусий мактаб ёки боғча бўлишини тасаввур қилиш мумкинмиди?

Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усулларини жорий этмокдамиз. Жумладан, хусусий мактаб очиш учун лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Нодавлат таълим масканлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани туфайли ҳозирги вақтда уларнинг сони 195 тага етди.

Буларнинг барчаси ўз ижобий натижасини бермокда. Буни 2017-2020 йилларда ўқувчиларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 30 та медални қўлга киритгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ёшларни талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш учун ўтган ўқув йилида 339 та касб-хунар мактаби, 194 та коллеж ва 195 та техникум фаолияти йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ислохотларимиз талаби, ҳаётнинг ўзи олий таълим соҳасини жадал ривожлантиришни тақозо этмокда. Шу боис, юртимизда сўнгги 5 йилда 64 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилди. Қабул квотаси 3 баробар оширилди.

Эндиликда битирувчи ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 2016 йилги 9 фоиздан — шунга эътибор беринг — 28 фоизга етказилди. Яқин келгусида ушбу кўрсаткични 50-60 фоизга етказиш мўлжалланмокда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини, авваламбор, ёшларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда жорий йилда ногиронлиги бўлган ёшлар учун — 3 минг 155 та, “Меҳрибонлик” уйлари ва Болалар шаҳарчалари битирувчилари учун — 1 минг 580 та, кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизлар учун — 2 мингга қўшимча қабул квоталари давлат гранти сифатида ажратилди.

Бугунги кунда янгича ва мустақил қўлрайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар ёшларимиз жаҳон майдонларида турли соҳа ва йўналишларда юксак марраларни эгалламмокда.

Мана, яқинда Японияда бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия уйинларида моҳир спортчиларимиз голиб ва совриндор бўлиб, барчамизни қувонтирдилар. Айни кунларда Токиода ёзги Паралимпия уйинлари қизгин давом этмокда. Унда иштирок этаётган Ўзбекистон жамоаси аъзолари бугунги кунга қадар 5 та олтин, 4 та кумуш, 6 та бронза медалларини қўлга киритиб, ўзларининг тенгсиз матонатини намоён этмокдалар.

Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган мана шу жасоратли ўғил-қизларимизга янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилаймиз.

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ — БИЗ УЧУН КУЧ-ҚУДРАТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Бошланиши 1-2-бетларда

Сўнгги кунларда ён қўшимиз Афғонистонда юз бераётган воқеаларни ҳам-мамиз ташвиш билан кузатиб турибмиз. Биз бу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдоримиз.

Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасида ўзаро бог-ликликни мустаҳкамлашда кўприк вази-фасини бажара олишига ишонамиз.

Афғонистон билан алоқаларимизда дўстлик ва яхши қўшничилик муноса-батларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ички ишларга аралашмаслик тамойил-ларига содиқ қоламиз.

Ушбу мамлакатда ҳокимият транзити халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этил-ган меъёрларини инобатга олган ҳолда, миллий келишув асосида тинч йўл бил-лан амалга оширилиши ўта муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ўтган даврда Россия, Хитой, Жану-бий Корея, Япония, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамла-катлар билан самарали битим ва ке-лишувларга эришдик. Америка Қўшма Штатлари ва Фарб давлатлари билан прагматик ҳамкорлик сари янги қа-дамлар ташланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай

ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлат-лар Ҳамдўстлиги каби халқро тузилма-лар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичда давом эттирилмоқда. 2019 йилда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо бўлдик. Бу мамлакатимиз учун халқро майдонда янги иқтисодий, сиёсий ва ма-даний имкониятлар очиб берди.

Ўзбекистон Евроосиё иқтисодий ит-тифоқи билан қузатувчи давлат мақо-мида қисқа даврда самарали алоқалар-ни йўлга қўйишга эришди. 2020 йилда мамлакатимиз илк бор Мустақил Дав-латлар Ҳамдўстлигида раислик қилди. Бу давр пандемия шароитида ўтганига қарамадан, Ўзбекистоннинг бу бора-даги фаолияти муваффақиятли ташкил этилди ва юқори баҳоланди.

Бу йил Шанхай ҳамкорлик ташкило-ти раислигини қабул қилиб оламиз ва унинг келгуси йили ўтадиган Саммитига пухта тайёргарлик кўраяпмиз.

Иқтисодий дипломатия воситалари-дан самарали фойдаланиш республи-ка экспорти ва инвестициялар оқимига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Чет эллардаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлашга, улар билан самар-али ҳамкорлик қилишга катта эътибор берилмоқда. Улар республикаimizда-ги ижтимоий-иқтисодий жараёнларга

жалб қилинмоқда. Яқинда ана шундай муҳим вазифалар билан бевосита шу-ғулланадиган “Ватандошлар” жамоат фондини ташкил этганимиздан барчан-гиз хабардорсиз.

Айни пайтда узоқ-яқиндаги барча тараққийларвар мамлакатлар билан ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабат-ларини мустаҳкамлаш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

Бугунги қувончли кунда биз билан дав-рамизда ўтирган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқро ташкилот-лар вакилларига, чет эллик шериклари-мизга, Ўзбекистоннинг барча дўстлари-га ва раванк тилаймиз. Хусусан, тантанамизда иштирок этаётган Франция Сенатининг ҳурматли вакилларига чуқур эҳтиромимизни билдираимиз.

Ҳурматли юртодошлар! Ҳаммангизга яхши маълумки, шу йил 24 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбе-кистон Республикаси Президенти сай-лови бўлиб ўтади.

Сўнгги беш йил мобайнида мамла-катимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Нуфузли халқро экспертлар таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонда сайлов қонунчили-гини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Бу галги Президент сайловлари илк бор 2019 йилнинг 25 июнида қабул қи-лингн Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтади.

Бу сайлов барчамиз учун Ўзбекис-тоннинг келгуси тараққиёти қандай йўл-дан боради, фарзандларимиз, оиламиз, мамлакатимиз келажагини қандай бар-по этамиз, деган ҳал қилувчи саволлар-га жавоб берадиган ғоят муҳим сиёсий тадбирдир. Шунинг учун ушбу сиёсий жараёнга кўп миллатли халқимиз ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан қарамоқда.

Сайловда дунёнинг 50 га яқин мам-лакати ҳамда ишлаб халқро ташкилот-лардан қузатувчилар иштирок этиши кутилмоқда.

Шу маънода, бўлғуси сайловлар юксак демократик мезонлар асосида ўтади ҳамда янги Ўзбекистон халқи-нинг ўсиб бораётган сиёсий тафакку-рини, ижтимоий фаоллиги ва маданий савиясини аққол намоён этади, деб ишонаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларлар! Биз кейинги йилларда белимизни маҳкам боғлаб, миллий манфаатла-римизни таъминлаш, халқимизни рози қилиш йўлида сидқиқилдан меҳнат қи-либ, ғоят муҳим натижаларни қўлга ки-ритмоқдамиз.

Энг асосий натижа — бошлаган исо-лохотларимиз ортага қайтмайдиган му-қаррар тус олганида, бугунги жамияти-мизнинг маънавий уйғонишида намоён бўлмоқда.

Маънавий уйғоқ жамиятни, ўз олдига улкан вазифалар қўйиб, келажақ сари ишонч билан бораётган халқни ҳеч қим ўз йўлидан тўхтата олмайди. Бундай халқни Яратганимиз ҳам қўллаб-қувват-лайди, доимо йўлини очиб беради.

Бугун миллион-миллион ватандош-ларимизнинг онгу тафаккури ўзгариб, улар ислохотлар жараёнига ўзини бе-восита дахлдор деб билмоқда, бу ўз-гаришларнинг фаол иштирокчисига ай-ланмоқда.

Бугун биз ягона халқ, ягона мил-лат бўлиб, қўзлаган юксак мақсад-ларимиз сари дадил бормоқдамиз. Вужудимизда, қонимизда аждо-ларимиздан мерос буюк қудрат жўш ураётган экан, биз эзгу орзу ва мақсадимиз бўлмиш янги Ўзбе-кистони албатта бунёд этамиз. Ўзбекистон ҳар томонлама обод ва фаровон, эркин демократик мамла-ката айланади.

Мен сиз, азизларни, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юрт-дошларимизни ана шундай улуғ ва шарафли сафда — янги Ўзбекистон

бунёдкорлари сафида кўриб турганим-дан бахтиёрман.

Орадан ҳали қанча йиллар, асрлар ўтади. Ўртимизда янги-янги авлод-лар дунёга келади. Миллий давлат-чилигимизни тиклаб, бизга тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлида мана шундай беқиёс имкониятларни яратиб берган истиқлолимиз жона-жон Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамisha энг ёрқин, ўчмас саҳифа бў-либ қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз кадр-донларимиз, мўътабар нуронийларим-из, меҳрибон опа-сингилларимиз, азму шижоатли ёшларимизни, бутун халқимизни Мустақиллик байрами бил-лан яна бир бор чин қалбимдан сами-мий табриклайман.

Мана шу муборак айёмда барча ютуқларимизнинг бунёдкори бўл-ган меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб халқимизга фарзандлик меҳри билан таъзим қи-ламан.

Барчамизни оқ ювиб, оқ тараб воя-га етказган она халқимиз доимо омон бўлсин!

Ўртимизда яшаётган ҳар бир оила, ҳар бир инсон эзгу мақсадларига етсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин! Эътиборингиз учун раҳмат.

Янги Ўзбекистоннинг Ёрқин Тимсоли

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументи очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Бошланиши 1-бетда

Бу ерда сунъий қўл, спорт майдонча-лари, болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, фавворалар, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, хунармандчилик дўконлари барпо этилди ва этилмоқда.

Мажмуа худудидаги манзарали ноёб дарахтлар, гул-чечаклар одамнинг баҳ-ри дилини очади, барчамизни табиат билан ошно ва уйғун бўлиб яшашга даъват этади.

Мажмуа ёнида энг илғор технология-лар ва замонавий андозалар асосида Олимпия шаҳарчаси бунёд этилади. Бу ерда 2025 йили мамлакатимиз мезбон-лик қиладиган Ёшлар ўртасидаги Осиё ўйинларининг асосий мусобақалари ўт-казилади.

Бундан ташқари, ушбу худудда за-монавий олий таълим муассасаси, тиб-биёт клиникалари, халқро кўргазма марказлари ва бошқа объектлардан иборат бутун бир янги шаҳарча қурил-моқда.

Энг муҳими, барчангиз кўриб турга-нинигиздек, боғнинг марказий қисмида, таъбир жоиз бўлса, унинг юрагида ўхшаши йўқ муҳташам бадий обида — **Мустақиллик монументи** барпо этилди.

Биз бугун Ватанимиз мустақиллиги-нинг 30 йиллик байрамини кенг нишон-лаяпмиз. Лекин, аслида, Ўзбекистон худудидаги миллий давлатчилик тари-хи 3 минг йилдан зиёд даврни ташкил этади.

Бу жаҳон фанида эътироф этилган илмий ҳақиқатдир. Ушбу монументни яратишда ана шу концептуал ғояни ёрқин ифода этишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, эл-юртимиз ўзининг қа-димий ўтмиши давомида қанча-қанча унутилмас воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Лекин бир ҳақи-қатни таъкидлаш керакки, Ватанимиз худудида мавжуд бўлган ҳар бир дав-латчилик тузуми, ҳар қандай ижтимоий жараён — у ғалаба ёки маглубият бўла-дими, юксалиш ёки таназзул бўладими — барча-барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва аж-ралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини ях-лит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур.

Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалари-дан куч-қувват олиб, хато ва мағ-лубиятларидан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг

тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади.

Шу сабабли биз ушбу ёдгорлик тим-солида Ўзбекистонимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунга қа-дар юз берган энг муҳим воқеаларни муҳрлашга қарор қилдик. Бой ва бетак-рор меросимиз, буюк саркарда ва жа-ҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболаримизнинг ўлмас сиймо-ларини акс эттиришга интилдик.

Ўзбекистоннинг собиқ мустабид ту-зум давридаги оғир ва машаққатли ҳаё-ти, қатагон сиёсати, халқимизнинг Ик-кинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорат ва матонати таъсирчан лавҳаларда ўз ифодасини топди. Ғоят қийин ва мурак-каб шароитда республикамиз раванки-ни, халқимизнинг тинчлиги ва омонлиги-ни ўйлаб, ўзини аямасдан хизмат қилган атоқли давлат арбобларимиз фаолияти ҳам атрофлича ёритилди.

Ўзбекистон Республикаси-нинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлиги-да халқимизнинг миллий мустақил-лика эришиш йўлини акс эттириш эътибор марказига қўйилди.

Бу бетакрор ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни — Учинчи Ренес-санс пойдеворини яратиш ғояси билан

уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳамиятлидир.

Улуғвор Мустақиллик монументи тимсолида биз тарих, бугунги замон ва келажақ тушунчаларини ўзаро уйғун ҳолда намоён этишга алоҳида эътибор қаратдик.

Миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темуր сал-танатининг мовий гўмбози, юлдузлар оламига қараб юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизацияга беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир боболаримизнинг энг но-дир илмий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шуқуҳи билан кўз олди-мизда аққол намоён бўлиб турибди.

Тинчлик ва эркинлик, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, қўкда мағрур парвоз қилаётган Ҳумо қўши тасвири монументнинг энг юқори қисмида — ба-мисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгал-лади.

Бир сўз билан айтганда, **Мустақил-лик монументи она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнат-каш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади.**

Монумент пойига битилган: “**Хал-қимиз тарихида эзгу из қолдирган**

барча аждоқларимиз доимо қалби-мизда” деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хотирасига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳтиро-мини англатади.

Мана шундай ишларимизнинг даво-ми сифатида “Янги Ўзбекистон” боғига яқин худудда замонавий халқро аэро-порт қурилмоқда.

Келгусида хориждан ташриф бую-радиган юксак мартабали меҳмонлар аввало мана шу монументни зиёрат қи-либ, халқимиз ва давлатимизга ҳурмат бажо келтиради.

Бундан буён Наврўз, Мустақиллик каби қўтлуғ байрамларимиз, катта оммавий давлат тадбирларини, турли сайил-томошаларни барча замонавий шароитларга эга бўлган шу гўзал мас-канда ўтказамиз.

Айтиш керакки, бугун қалблари-мизда чексиз қувонч ва ҳайрат уй-ғотаётган “Янги Ўзбекистон” боғини қисқа вақт ичида, айниқса, пандемия шароитида барпо этиш осон бўлгани йўқ. Лекин, барча қийинчиликлар-га қарамадан, қўлигул қурувчи ва меъморлар, муҳандис ва боғбонлар, моҳир ҳайкалтарош ва рассомлар, турли соҳа мутахассислари, раҳбар ва етакчилар, азамат ёшларимиз

“Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументи очилди

Бошланиши 1-бетда

Бу гўзал боғда пойтахтимиз аҳолиси, барча ҳудудларимиз ва хориждан келадиган меҳмон-лар яйраб дам олиши, оиласи, фарзандлари бил-лан бирга мазмунли хордиқ чиқариши учун бар-ча замонавий шароитлар яратилмоқда. Сунъий қўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳлари, амфитеатр, фавворалар, савдо ва хизмат кўр-сатиш объектлари, хунармандчилик дўконлари ташкил этилмоқда.

Боғнинг марказий қисмида муҳташам бадий обида — Мустақиллик монументи барпо этилди.

— Биз бугун Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини кенг нишонлаяпмиз. Ле-кин аслида, Ўзбекистон худудидаги миллий давлатчилик тарихи 3 минг йилдан зиёд давр-ни ташкил этади. Бу жаҳон фанида эътироф этилган илмий ҳақиқатдир. Ушбу монументни яратишда мана шу концептуал ғояни ёрқин ифода этишга ҳаракат қилдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, эл-юртимиз ўзининг қадимий ўтмиши давомида шонли воқеаларни, турли синов ва қийинчиликларни, зафарли даврлар билан бирга, фожиали кунларни ҳам бошидан кечирган. Ўзбекистоннинг миллий мустақил-лика эришиш йўлини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

— Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабаларидан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятларидан хуло-са ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади. Шу сабабли, биз ушбу ёдгорлик тимсо-лида Ўзбекистонимизнинг қадимги тарихидан бошлаб то бугунги кунга қадар юз берган энг муҳим воқеаларни муҳрлашга қарор қилдик, — деди Президентимиз.

Мажмуада буюк саркарда ва жаҳонгирлар, аллома ва мутафаккирлар, жадид боболари-мизнинг ўлмас сиймолари акс эттирилган. Ўз-бекистоннинг собиқ мустабид тузум даврида-ги оғир ва машаққатли ҳаёти, қатагон сиёсати, халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсат-ган жасорат ва матонати таъсирчан лавҳалар-да ифодаланган.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида халқимизнинг миллий мустақил-лика эришиш йўлини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ёдгорлик юртимизда янги Ўзбекистонни — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси билан уйғун ҳолда барпо қилингани айниқса аҳа-миятлидир. Унда миллий давлатчилигимизнинг рамзи бўлган Соҳибқирон Амир Темуր салтан-атининг мовий гўмбози, юлдузлар оламига қараб

юксалган Мирзо Улуғбек расадхонаси, дунё илм-фани ва цивилизацияга беқиёс ҳисса қўшган улуғ мутафаккир боболаримизнинг энг нодир ил-мий кашфиётлари ўзининг бор маҳобати ва шу-қуҳи билан кўз олдимизда аққол намоён бўлиб турибди.

Тинчлик ва эркинлик, эзгулик ва фаровонлик тимсоли бўлган, қўкда мағрур парвоз қилаётган Ҳумо қўши тасвири монументнинг энг юқори қисмида — ба-мисоли унинг гултожи бўлиб ўрин эгаллаган.

— Мустақиллик монументи она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳ-рамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида сифатида қад ростлади. Монумент пойига битилган: “Халқимиз тарихида эзгу из қолдирган барча аждоқларимиз доимо қалбимизда”, деган чуқур маъноли сўзлар ота-боболаримиз хоти-расига бугунги авлодларнинг юксак ҳурмат ва эҳ-тиромини англатади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда нуронийлар, фан ва маданият намояндалари сўзга чиқиб, барчани ушбу воқеа билан табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёев жамоатчилик вакиллари билан бирга Мустақиллик монумент-тини очди. Мажмуа пойига гуллар қўйилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорларнинг муаммо ва так-лифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожланти-ришнинг асосий йўналишларини белги-лаб олиш бўйича **2021 йил 20 август кун**и ўтказилган Ўзбекистон Республика-си Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган масалалар ижросини таъминлаш, шунинг-дек, қурилиш материаллари ишлаб чиқа-ришда бозор муносабатларини чуқурлаш-тириш мақсадида:

1. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарти-риш вазирлигининг:

2021 йил 1 октябрдан бошлаб цемент (кликер) ишлаб чиқарувчилар учун фой-да солигининг ставкасини **20 фоиздан 15 фоизгача** пасайтириш;

2022 йил 1 январдан бошлаб цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган 1 тонна

оқактош учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини икки баравар камай-тирган ҳолда **22 500 сўм миқдорда** белги-лаш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарордан келиб чиқиб, “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгар-тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вази-рининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 31 август

 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Жаноби Олийлари! Мамлакатингиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқига энг эзгу тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз. Ушбу мураккаб дамларда биз ҳар бир давлат умумий глобал фаровонликка эришиш йўлида ўз ҳиссасини қўишии нақадар муҳим эканини яна бир бор англаймиз ва шу муносабат билан Сизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги қатъий интилишингизни олиқлаймиз. COVID-19 пандемияси оқибатларини енгиб ўтишда биргаликда ҳаракат қилар эканмиз, янада барқарор ва адолатли жамият барпо этиш учун тикланиш жараёнларидан фойдаланишимиз зарур. Шунингдек, иқлим ўзгаришлари соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал қилиш борасида дадил ҳаракат қилишимиз, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришимиз керак. Мустақиллик куни муносабати билан умид қиламанки, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янада мустақам бўлишига ҳамда барча учун янада фаровон ва янада адолатли дунёни барпо этишга бундан буён ҳам қўмаклашади. Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилинг.	Ҳурматли Шавкат Миромонович! Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз. Мамлакатингиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлидан дадил бормоқда, жаҳон сахнасида муносиб ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб, минтақавий ва халқаро ишларда конструктив роль ўйнамоқда. Давлатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлашга, барча йўналишларда сермахсул ҳамкорликини кенгайтиришга катта аҳамият қаратаймиз. Бу Россия ва Ўзбекистоннинг дўст халқлари манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш мақсадига мосдир. Сизга, муҳтарам Шавкат Миромонович, чин қалбимдан мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, барча юртдошларингизга эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилайман. Ҳурмат билан,	Ҳурматли Президент жаноблари! Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва халқи номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз. Мустақиллик қўлга киритилганидан буён ўтган 30 йилда Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар рўй берди, халқ турмуш даражаси юксалди, республиканинг халқро нуфузи кундан-кунга ортиб борди. Сиз, Президент жаноблари, давлат раҳбари лавозимига киришганингиздан сўнг улкан муваффақиятларга эришдингиз, ислохотлар бўйича кенг қўламли кампанияни қатъий илгари суриб, янги тараққиёт режасини ишлаб чиқдингиз. Янги Ўзбекистонни барпо этиш ишлари жадаллашмоқда, Марказий Осиёнинг барқарорлиги ва тараққиётига ижобий руҳ бағишламоқда. Хитой Ўзбекистонни унинг миллий шарт-шароитларига мос келувчи тараққиёт	Ҳурматли Президент жаноблари! Америка халқи номидан Сизни ва Ўзбекистон халқини мамлакатингиз мустақиллигининг 30 йиллиги билан табриклайман. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва худудий яхлитлигининг қатъий тарафдори бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Кейинги йилларда муносабатларимиз анча кенгайди, биз стратегик шериклигимиз ҳамда тинч, ўзаро боғланган ва барқарор минтақани асраш йўлидаги ҳамкорлигимиз чуқурлашишига умид қиламиз. Шу билан бирга, бутун дунёда COVID-19 га қарши кураш давом этмоқда, яқинда Америка Қўшма Штатлари томонидан COVAX дастури доирасида "Moderna" вакцинасининг 3 миллион дозаси етказиб берилгани Ўзбекистондаги вазиятнинг яхшиланишига салмоқли ижобий таъсир кўрсатишига умид билдираман. Қўшма Штатлар Сизнинг ушбу ташаббуслар доирасидаги шериклигингизни қадрлайди. Муносабатларимиз келажақда янада ривожланишига умид қиламиз. Самимий ила,
Антониу ГУТЕРРИШ, БМТ Бош котиби	Владимир ПУТИН, Россия Федерацияси Президенти	Си ЦЗИНЬПИН, Хитой Халқ Республикаси Раиси	Жозеф БАЙДЕН, Америка Қўшма Штатлари Президенти

 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Ҳурматли Шавкат Миромонович! Ўзбекистон Республикаси учун энг муҳим тарихий воқеа — Мустақилликнинг 30 йиллиги муносабати билан самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилинг. Кейинги йилларда мамлакатингиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда юксак чўққиларни эгаллади ва халқ фаровонлигини оширишда салмоқли муваффақиятларга эришди. Мамлакатингизда кучли ва самарали давлат барпо этиш, миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш ва халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга қаратилган модернизация жараёни жадал давом этмоқда. Сизнинг ташаббусингиз билан юртингизда рўй бераётган қўлпаб ижобий ўзгаришлар тахсинга сазовор. Улар нафақат Ўзбекистон учун, балки Марказий Осиё ва бутун дунё учун ифтихор манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.	Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари икки томонлама ҳамкорлигимизга чинакам ёрқин мисолдир. Ушбу муносабатлар мисли қўрилмаган даражага кўтарилиши ва ҳар томонлама стратегик шериклик руҳида ривожланишда давом этишига ишонаман. Уртамиздаги дўстлик бардавом бўлишига ҳамда яқин орада Сиз билан учрашимизга умид билдираман. Ушбу файзли дамларда Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизга омад, қардош Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равақ тилайман. Ҳурмат билан,	Ҳурматли Шавкат Миромонович! Барча қозоғистонликлар номидан ва ўз номимдан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини муҳим тарихий сана — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги билан дилдан қутлайман. Ушбу қутлуғ воқеани биродар Ўзбекистон миллати жипс, иқтисодий тараққиёт суруятлари юқори, халқаро майдонда муносиб ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган кучли ва тараққий этган давлат сифатида қутиб олмоқда. Ҳеч шубҳасиз, ўзбек халқи, Сизнинг бунёдкор сиёсатингизни қатъий қўллаб-қувватлаб ва кенг қўламли ислохотларни муваффақиятли рўёбга чиқариб, барқарор тараққиёт йўлини давом эттиради. Ўтган уч ўйилликда Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларимизнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ва кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини
Нурсултон НАЗАРБОВЕ, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши	Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ, Туркменистон Президенти	Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ, Қозоғистон Республикаси Президенти

 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Қадрли Шавкат Миромонович! Сизни ва Ўзбекистон Республикасининг бутун халқини тарихий юбилей — мамлакатингиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги билан самимий муборакбод этаман. Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва янги зафарлар, биродар ўзбек халқига тинчлик, барқарорлик, фаровонлик ва бардавом тараққиёт тилайман. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз давлатчилигини барпо этишда, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ва халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашда салмоқли муваффақиятларга эришди. Юртингиз бугун ҳам шу йўлдан дадил олдинга бормоқда, Сизнинг, ҳурматли Шавкат Миромонович, раҳбарлигингиз остида халқ турмуш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган муҳим янгиланишларни изчил амалга оширмоқда. Яхши дўст ва қўшни сифатида Тожикистон	Ҳурматли Шавкат Миромонович, Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий қутлайман. Мустақилликка эришганидан буён Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, кучли ва барқарор демократик давлат барпо этиш йўлидан фаол қадамлар ташламоқда. Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда катта муваффақиятларга эришди ҳамда халқаро ва минтақавий муаммоларга қўшган ҳиссаси учун жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллади. Шубҳасиз, бу ютуқлар Сизнинг, ҳурматли Шавкат Миромонович, ислохотчи сифатидаги қатъий саъй-ҳаракатларингиз натижасидир. Биз Қирғизистонда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларингизни ва уларни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссангизни юксак қадрлаймиз.	Бугунги кунда икки мамлакат ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги, стратегик шериклик даражасига чиқди. Муносабатларимизни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга, бир-биримизни халқаро майдонда қўллаб-қувватлашга, замонавий таҳдид ва хатарларга биргаликда қурашишга тайёр эканимизни алоҳида қайд этмоқчиман. Анъанавий дўстлик муносабатларига асосланган ҳамкорлигимиз бундан буён ҳам кенгайиб боришига қатъий ишонаман. Ушбу ёқимли имкониятдан фойдаланиб, Сизга, ҳурматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли давлатчилик фаолиятингизга муваффақиятлар, биродар Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равақ тилайман. Ҳурмат билан,
Эмомали РАҲМОН, Тожикистон Республикаси Президенти	Садир ЖАПАРОВ, Қирғиз Республикаси Президенти	Мухтарам Президент Жаноби Олийлари, Азиз биродарим, Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати Сиз, Жаноби Олийларини ва бутун ўзбек халқини халқим ва шахсан ўз номимдан энг самимий туйғуларим билан табриклайман. Дўст ва қардош Ўзбекистон Республикаси Сиз, Жаноби Олийлари бошчилигида амалга оширилган ислохотлар таъсирида фаровонлик ва барқарорлигини ошириб, минтақанинг тинчлиги ва равақига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Туркия ва турк халқи Ўзбекистоннинг ва ўзбек биродарларининг бу саъй-ҳаракатларида кеча бўлгандек бугун ҳам, эртага ҳам елкадош бўлишда давом этади.

 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига	 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Ҳурматли Президент жаноблари! Ўз номимдан ва Озарбайжон халқи номидан Сизни ва Сиз орқали бутун халқингизни биродар Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан дилдан муборакбод этаман. Сизнинг оқилона сиёсатингиз натижасида ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда эришилган салмоқли ютуқлар биродар давлат сифатида бизни жуда мамнун этмоқда. Ўзаро ишонч ва қўмакка асосланган бугунги Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари бизга катта мамнуният бағишлайди. Уларда сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланиши кузатилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шаклда бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боришига, биз амалга ошираётган биргаликдаги саъй-ҳаракатлар халқларимиз фаровонлигига хизмат қилишига ишонаман. Ушбу муҳим кунда Сизни яна бир бор қутлайман, биродар Ўзбекистонга тинчлик-осойишталик ва равақ тилайман. Ҳурмат билан,	Жаноби Олийлари, Сизга ва дўст Ўзбекистон халқига Ўзбекистон мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни етказишдан мамнунман. Ҳиндистон ва Ўзбекистонни чуқур тарихий ва цивилизация алоқалар боғлаб туради. Ўтган йиллар мобайнида икки томонлама муносабатларимиз бир неча соҳаларни қамраб олди, ахборот технологиялари, космос, атом энергетикаси, ривожланиш учун шериклик, соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва техника ҳамда маданият шулар жумласидан. Бизнинг стратегик шериклигимиз кўп қиррали алоқаларимизни янада диверсификация қилиш ва кенгайтиришга қаратилган. Бизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, “Ҳиндистон —	Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан Покистон халқи ва шахсан ўз номимдан Сизга қизғин табрикларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади. Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ришталари кўп асрлик диний, маданий ва тарихий муштаракликка асосланган. Покистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда икки томонлама ҳамкорлиқни кучайтиришга катта аҳамият беради. Яқинда гўзал мамлакатингизга амалга оширган ташрифим давомида биз икки томонлама масалалар	юзасидан батафсил фикр алмашдик. Сизни ишонтириб айтманки, менинг ҳукуматим мамлакатларимиз ўртасидаги биродарона дўстлик алоқалари ва ҳамкорлиқни кенгайтиришдан манфаатдордир. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва улкан ютуқлар, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса бардавом тинчлик, равақ ва фаровонлик тилайман. Жаноби Олийлари, юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.
Илҳом АЛИЕВ, Озарбайжон Республикаси Президенти	Нарендра МОДИ, Ҳиндистон Республикаси Бош вазири	Имрон ХОН, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири	Мун Чжэ ИН, Корея Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИДА

**Содиқ САФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Раисининг биринчи ўринбосари**

Халқимиз улут сана — Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаётган шу кунларда мустақил тараққиётимиз даврида ташқи сиёсат жабҳасида эришган ютуқларимиз ва келажакда қилиниши лозим бўлган ишлари ҳақида фикр юритишимиз ўринлидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида истиқлол йилларида амалга оширилган тарихий ишлар ҳақида гапирар экан, энг катта ютуқларимиз қаторида **“Ватанимиз суверен давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади”**, дея таъкидлаб ўтди.

Сўнгги беш йил мобайнида замонавий халқаро муносабатлар тизимида юз берган энг йирик ўзгаришлардан бири, шубҳасиз, дунёда “Янги Ўзбекистон” атамаси вужудга келгандир.

Бунинг боиси, албатта, биринчи навбатда, Президент Шавкат Мирзиёев бошлаб берган инқилобий ўзгаришлардир. Айнан шу ислохотлар жамиятимиз ривожининг янги мафкурасини белгилади.

Ўзбекистон ўзининг цивилизация нуқтаи назаридан тарихий ўрнини янгидан тиклаш, Учинчи Ренессанс асосларини барпо этишга киришди. Ўйғониш даврнинг ҳал қилувчи омилларидан бири дунёга очкилик ва ташқи aloқаларнинг кенг қамровлиги ҳисобланади.

Авалли Ренессанслар замирида йирик макромиктада муштарак иқтисодий, маданий, гуманитар макон вужудга келгани билан боғлиқ бўлган йирик эврилишлар бор. Бундан ташқари, узоқ масофали савдо Марказий Осиёнинг юксалишида, гуллаб-яшнашида катта роль ўйнаган. Буюк ипак йўли наинки товарлар алмашинуви, балки маданият, ғоя, илмий кашфиётлар айирбошлаш воситаси ҳам бўлган.

Бугун янгиланган Ўзбекистон ташқи сиёсати айнан очкилик ва ташқи aloқаларнинг ҳамма йўналишида, Ғарбу Шарқ, Жанубу Шимол, барчасини бирдек ривожлантиришга қаратилгани бежиз эмас.

Мустақил ўзбек давлатчилиги тиклангач, мамлакат ташқи сиёсатини шакллантириш ва юритиш бора-сида катта ишлар амалга оширилди.

Авалло, бу ғоят мураккаб халқаро вазиятнинг ютуғи мамлакат суверенитети ва давлат мустақиллигини сақлаб қолиш ҳамда мустаҳкамлашга муваффақ бўлинганида, бошқа давлатлар сиёсатининг пассив объектига айланиб қолишнинг олди олинганида намоён бўлади.

Ўзбекистон, бир томондан, барча етакчи давлатлар билан илғор муносабатлар ўрнатиш, шу билан бирга, қудратли давлатлар сиёсати таъсирига тушмаслик имконини берувчи пухта ташқи йўлни яратишга муваффақ бўлди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда юритилган қатъий ва изчил ташқи сиёсат, жумладан, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-маданий, цивилизацияга йўғрилган ислохотлар мамлакатимизнинг халқро майдонда нуфузини оширди. Айтиш мумкинки, ҳозирги замоннинг барча қудратли мамлакатлари Ўзбекистонни халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига ва махсус миссиясига эга давлат сифатида тан олади.

Бу Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг кўзга кўринган ва тарихан муҳим натижаларидан биридир.

Шу билан бирга, очик айтиш керакки, 2016 йилгача бўлган даврда субъектив сабаблар тўғрисида расмий Тошкент қатор муҳим соҳаларда катта ташқи сиёсий ютуқларга эриша олмаган эди.

Авалло, бу минтақадаги яқин қўшнларга, шу жумладан, Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсат йўлини

шакллантириш билан боғлиқ. Ушбу мамлакатлар билан турли даражада, хусусан, юқори даражада доимий ва бевосита мулоқот ўрнатилмади, оқилона муроСага тайёрлик намоёйиш этилмади.

Шу сабабли Марказий Осиёда сув ва энергетика, экология, транс-

“**Қисқа давр мобайнида Ўзбекистон раҳбари дунёда энг нуфузли давлатлар томонидан янги формациядаги ва катта обрў қозонган арбоб сифатида тан олинди. Бу бугунги даврда Ўзбекистоннинг мавқеини ошириш, миллий мақсадларимизни илгари суришнинг жуда муҳим омилдир.**”

миллий таҳдидларга қарши курашиш масалалари, этник диаспоралар ҳолати, транспорт йўлларидан айрилиб қолганлик билан боғлиқ энг долзарб муаммолар ечимни топилмади.

Демократик ислохотларни амалга ошириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ тизимли муаммолар натижасида мамлакатнинг ноқулай халқаро имижни яратилган эди.



Бу Ўзбекистоннинг рейтинг натижаларига ҳам салбий таъсир кўрсатди. 2016 йил охирида ўтказилган рейтингнинг танқидий таҳлили шуни кўрсатдики, катта инвестиция салоҳиятига қарамай, мамлакат хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича кўплаб давлатлардан, жумладан, қўшнлардан ортда қолди. Жаҳон банкнинг 2015 йилги маълумотларига кўра, Ўзбекистон аҳоли жон бошига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича минтақада сўнгги ўринни эгаллади.

Умуман олганда, 2016 йилнинг охирига келиб, ташқи сиёсатнинг бир қатор йўналишларида фавқулодда чора-тадбирлар қўришни талаб қиладиган танг вазият юзага келган эди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш доирасида мамлакатнинг янгиланган ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича катта ишлар қилинди.

Бу жараёнда дипломатик фаолият хусусияти ва мазмуни тўдан ўзгарди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг янги услуби шаклланди. Мамлакат ташаббусга доимий интилиши, юксак кадр-қиммати, те-ранлиги, қатъиятчилиги билан аж-ралиб турди.



вақтида ва узоқни кўра билиб қўйилган қадам бўлганини кўриб турибмиз.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигига бағишлаб ўтказилган конференция тарихий воқеа, кўп жиҳатдан ноёб форум бўлди. Ўзбекистоннинг янгиланган ташқи сиёсати тўғрисида сўнгги йилларда Марказий Осиёда юз берган тўб ўзгаришларсиз ушбу анжуманни ташкил этиш имконсиз бўлар эди. Вужудга келган янги сиёсий муҳит Марказий Осиё ва бошқа минтақалар ўртасидаги aloқаларни кенгайтириш учун шарт-шароит яратди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари тизимида юз берган энг йирик ўзгаришлар негизда Президент Шавкат Мирзиёев юритаётган дунёга очкилик, кенг қамровли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсат ётади.

Натижада тарихан қисқа даврда Ўзбекистон дипломатияси йирик ютуқларга эришди.

Биринчидан, мамлакатимизнинг халқаро обрўси ва таъсири мисли кўрилмаган даражада ортди.

Бунга мисоллар кўп. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти атиги бир неча йил ичида Ўзбекистон томонидан киритилган тўртта резолюцияни қабул қилди. Бу — катта ютуқ.

Иккинчидан, қисқа давр мобайнида Ўзбекистон раҳбари дунёда энг нуфузли давлатлар томонидан янги формациядаги ва катта обрў қозонган арбоб сифатида тан олинди.

Бу бугунги даврда Ўзбекистоннинг мавқеини ошириш, миллий мақсадларимизни илгари суришнинг жуда муҳим омилдир.

Учинчидан, барча қўшнларимиз, МДХ доирасидаги аъъанавий ҳамкорларимиз билан ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлар янги мазмун билан бойитилиб, ривож топди.

Айни вақтда sanoati ривожланган давлатлар ва етакчи халқаро ташкилотлар билан муносабатлар илгари ҳеч қачон кузатилмаган поғонага кўтарилди.

Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун дунёда вазият шиддат билан ўзгариб бормоқда. Бу эса ташқи сиёсатимизни мутаносиб равишда такомиллаштиришни олдимизга муҳим вазифа сифатида қўяди.

Илгари маҳаллий даражадаги муаммолар глобаллашув шароитида янги, мисли кўрилмаган кўламда юзага келган эди. Бу ва бошқа омиллар халқаро муносабатлар табиати, ташқи сиёсат муассасалари фаолиятининг мазмуни тўдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюси ва тадбиркорлар билан бўлиб ўтган очик мулоқотида Ўзбекистонимизнинг янада равнақ топиши, юртимизда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга қаратилган янги марраларни белгилаб берди.

Бу мамлакатимиз манфаатларини халқаро миқёсда илгари суриш бўйича фаолиятни янада фаоллаштиришни тақозо этади.

АКС-САДО

“Яшил энергетика”га ўтиш йўлидаги муҳим қадам

**Шаҳбоз ЭРДОНОВ,
Навоий вилояти Кармана
туманидаги қуёш фотоэлектр
станцияси муҳандиси**

Дунёда экологик вазият тобора долзарблашиб бораётган бугунги даврда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга талаб кун сайин ортмоқда.

Юртимизда 2030 йилга бориб ушбу манбаларнинг электр энергия ишлаб чиқаришдаги улушини 25 фоизга етказиш мақсад қилинган бўлиб, ҳозирда бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этади. Навоий вилояти Кармана туманида бунёд этилган мамлакатимиздаги илк қуёш фотоэлектр станцияси ана шу мақсад йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Давлатимиз раҳбари 27 август кўни Навоий вилоятига таширифи давомида қуёш фотоэлектр станциясининг ишга туширилиши муносабати билан ўтказилган маросимда иштирок этиб, раамий дастакни ҳаракатда келтирди. Тадбирда иштирок этган муҳандис ва қурувчилар, навоийлик нурунийлар ва ёшлар, шунингдек, хорижий инвесторлар ушбу тарихий воқеага бевосита ғувоҳ бўлди.

Президентимизнинг қуёш фотоэлектр станциясига таширифи, йирик лойиҳада бир йилга яқин вақт давомида меҳнат қилган инсонлар билан учрашуви бизни ниҳоятда руҳлантирди. Айниқса, биз, ёшларга жуда катта ишонч, куч бағишлади.

Мен мана шу янги станцияда фаолият юритаётган кўплаб ёш мутахассисларнинг бириман. Бу ерда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги муҳандиси бўлиб ишлайман. Айтиш жоизки, лойиҳа давомида

юзлаб инсонлар иш билан таъминланган бўлса, уларнинг 70-80 фоизи ёшлардир.

Бугунги кунда энергетика соҳаси, хусусан, яшил энергетикани ривожлантириш инсоният талабининг бир қисмига айланиб бормоқда. Юз фоиз тўғридан-тўғри хориж инвестицияси асосида қурилган юқоридаги қуёш фотоэлектр станциясининг экологик жиҳатдан ҳам самарали ҳисобланади. Хусусан, лойиҳани амалга ошириш натижасида атмосферага 160 минг тонна буғланувчи газлар чиқишининг олди олинади.

Қизиги, лойиҳа бошланғунига қадар, яъни 6-7 ой олдин бу ерда ҳеч нарса йўқ, фақат қум ва чангдан иборат жой эди. Қисқа вақтда олиб борилган қизғин ишларда 900 дан зиёд киши иштирок этди. Ниҳоят, йилга 252 миллион киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқариш қувватига эга қуёш фотоэлектр станцияси барпо этилди. У ягона электр тармоғига уланиб, илк яшил, экологик тоза энергия тармоққа етказилди.

Станцияда 300 мингта сўнгги авлод қуёш панеллари ўрнатилган. Янги, замонавий қуёш фотоэлектр станциясининг ишга тушиши 600-700 га яқин янги иш ўрни яратиш баробарида, 70 мингдан зиёд хонадон, янги корхоналарни шу ерда ишлаб чиқарилган электр энергияси билан таъминлашга имкон беради.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, қуёш панеллари остидаги ер майдонидан ҳам унумли фойдаланиш мумкин. Давлатимиз раҳбари кейинги лойиҳаларда ана шу жиҳатларга aloҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Биргина мисол, ҳудудимиз чўл зона бўлгани боис, шамолда кўп қум кўтарилади. Агар шу ерга ҳар хил экинлар экадиган бўлсақ, қўмларни ўша экинлар тўсиб, қуёш фотоэлектр станциясига ҳам фойда беради, ернинг унумдорлиги ҳам ортади.



Соҳа ривожининг локомотиви

**Илдар НИЧАЕВ,
“Навоийазот” АЖ мутахассиси**

Қишлоқ ҳўжалиги, энергетика ва тоғ-кон sanoati эҳтиёжи учун 70 дан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган “Навоийазот” акциядорлик жамияти 1964 йилда ишга туширилган. Тан олишимиз керак, технологик ускуна ҳамда қурилмалар анчайин эскирганди. Президентимиз 2018 йилда бу ерда амалга оширилаётган йирик инновацион лойиҳалар билан танишиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан топшириқлар берган эди. Шундан сўнг корхона ривожланиш босқичига кўтарила бошлади. Хусусан, модернизация ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.


Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 август кўни Навоий вилоятига таширифи чоғида акциядорлик жамиятимизда азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхоналарининг очилиш маросимида иштирок этгани бизни жуда қувонтирди. Таширифни уч йил илгари бошланган эзу ишларнинг узвий натижаси дейиш мумкин.

“Навоийазот”да учта йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Булар поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш, аммиак ва карбамид ҳамда азот кислотаси ишлаб чиқариш корхоналаридир. Президентимиз тежамкор технологиялар билан жиҳозланган замонавий мажмуалар билан танилиши давомида барча билан дилдан сўхбатлашди.

Таъкидлаш жоиз, кейинги беш йилда “Ўзкимёсанот” тизимида товар маҳсулотлари ҳажми 4 марта ошиб, кимёвий маҳсулотлар экспорти 250 миллион долларни ташкил этишида “Навоийазот” акциядорлик жамиятининг ҳам ҳиссаси катта. Корхонамизда йилгига 577,5 минг тонна карбамид ва 660 минг тонна аммиак ишлаб чиқарилади. Аммиакнинг 330 минг тоннаси янги карбамид тайёрлашга ҳамда 330 минг тоннаси аммиакли селитра ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Ҳа, янги лойиҳалар анча йиллар олдинги эски қувватлар ўрнини тўлиқ эгаллаши билан бирга, бир қатор устуворликка эга. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, улар акциядорлик жамиятизида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга оширади.

Юқорида келтирилганимиздек, корхоналар тежамкор технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш корхонасида бир тонна аммиак ишлаб чиқариш учун энергия сарфи 2,5 марта камаяди.



Йилгига 500 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқариш режалаштирилган корхонада эса электр энергияси сарфи 18 марта қисқаради. Бундай натижалар мамлакатимизда соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътибор самарасидир.

Президентимиз ана шу жиҳатларга аҳамият қаратар экан, “Бу рақамлар ортда корхонанинг минглаб меҳнатсевар, фидойи ишчилари, юқори малакали мутахассисларнинг машаққатли, айни вақтда шарафли меҳнати мужассам”, дея бизларга миннатдорлик билдирганида кўксимиз гурурга тўлди.

Режалар кўлами жуда катта. 2019 йил 28 декабрда ишга туширилган поливинилхлорид, каустик сода ва метанол корхонасининг иккинчи босқичи қурилиши бошлангани ҳам соҳанинг жадал ривожланишига хизмат қилади. Хусусан, электротехника, мебелсозлик, қурилиш материаллари sanoati, маиший кўриш ва қатор соҳаларда йилгига 210 миллион долларлик талаб юқори бўлган маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхоналар орқали “Навоийазот” ва “Электр кимё заводи” негизида ташкил этиладиган кластерлар салоҳияти ва истиқболини aloҳида таъкидлагани жамият масъулиларини янги марраларни забт этиш учун янада шижоат билан меҳнат қилишга даъват этди. Шунингдек, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида, “Фаргонаазот” АЖ негизида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида кластерлар ташкил этилиши мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиб, жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон обрўсини янада юксалтиради. Бу борада барча имкониятлар мавжуд. Биз бундай шарафли масъулиятни аъло даражада бажаришга тайёрмиз.

Кластерларда яқин йилларда 23 та лойиҳа амалга оширилишининг ўзи биздан катта куч ва масъулият талаб қилади. Уларнинг доирасида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган 33 турдаги маҳсулотларни зарур соҳаларга етказиб бериш орқали лойиҳаларда қўзланган натижаларга эришамиз ва давлатимиз раҳбарининг бизга билдирган ишончини, албатта, оқлаймиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

МУСТАҚИЛЛИК — МУҚАДДАС КАЛОМ, ОЗОДЛИК ЭНГ ТОТЛИ СЎЗ!



**Худоёр МАМАТОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор**

Томчида қуёш акс этади,
деганларидек, инсон умрининг
ҳар лаҳзасида жуда катта маъно
муҳассам. Шундай кунлар
бўладики, улар моҳиятига кўра
ойлар, йилларга тенглашади,
миллат, жамият, мамлакатнинг,
шу мамлакатда яшаган неча-неча
авлодларнинг тақдирини, бахтли
хаёт йўлини белгилаб беради.

1991 йил 31 август куни тарихимиз солно-
масида худди шундай мўътабар кун сифа-
тида муҳрланиб қолган. Шу куни қабул қи-
лингн тарихий қарорга биноан, 1 сентябрь
юртимизда Мустақиллик куни, умумхалқ
байрами деб эълон қилинди. Халқимизнинг
асрий орзуларини рўёбга чиқариш, фуқаро-
ларга муносиб ҳаёт кечириш учун шарт-ша-
роитлар яратиш, Ўзбекистонни ривожланти-
риш, уни турли хуружлардан ҳимоя қилиш
истиклолимизнинг бош ғояси, асосий мақса-
ди этиб белгиланди.

Мустақиллик — бебаҳо неъмат. Шу боис,
энг улуг, энг азиз айёмни катта тайёргарлик
билан кутиб олиш мамлакатимизда эзгу анъ-
анага айланган.

Президентимизнинг 2020 йил 17 декабр-
даги “Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига
тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда
ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ўқиганда
бугунги тинч-тотув ҳаётимиздан, мамлака-
тимиз ва халқимиз эришяётган ютуқ ва му-
ваффақиятлардан мамнун бўлиш баробари-
да, эртанги ёруғ кунларимиз, келажаги буюк
Ўзбекистонни барпо этишга бўлган ишончи-
миз янада ортади.

Қарорда ҳақли таъкидланганидек, муста-
қиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон
халқи ўзининг буюк салоҳияти, мустаҳкам
иродаси ва матонатини намён этди, оғир
синов ва машаққатларни мардона ениб,
катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Жамия-
тимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаро-
лар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити
мустаҳкамланмоқда. Янги Ўзбекистонни
барпо этиш мақсадида кенг кўламли испо-
лотлар, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини
эркинлаштириш, иқтисодиёт ва унинг тар-
моқларини, хусусий тадбиркорлиқни жадал
ривожлантириш борасида катта ўзгаришлар
амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг
ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳар то-
монлама қўллаб-қувватлаш, камбағаллиқни
қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад
манбаларини яратишга алоҳида эътибор қар-
ратилмоқда.

Зеро, мустақиллик, бу — энг аввало, ҳуқуқ
демакдир. Фақат мустақиллик орқалигина
юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ўз кадр-
қиммати, ор-номуси ва гурурини англади,
истиклол юртимизда яшаётган, ижтимоий ке-
либ чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий
мавқеидан қатъи назар, барча фуқаролар
ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг
асосий омилли бўлди.

Кутлуғ байрам шодиёналарига халқимиз-
нинг турли соҳаларда эришяётган улкан
ютуқлари, қуриб фойдаланишга топшири-
лаётган маданий-маърифий иншоотлар,
ишлаб чиқариш корхоналари, обод бў-
лаётган қишлоқ ва маҳаллалар, туман ва
шаҳарлар, барпо этилаётган замонавий
уйлар, кластерлар, янги иш ўринлари, қад
ростлаётган ҳосил хирмонлари ўзгача руҳ
бағишламоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган
одилона, инсонпарвар сиёсат тўғрисида халқ-
нинг маънавий руҳи мустаҳкамланди, ижти-
моий фаоллиги ошди, огоҳлиги таъминлан-
ди. Янада муҳими, бугун мамлакатимизда
истикомат қилаётган ҳар бир фуқаро, жинси,
ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди ва мав-
қеидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзининг

азиз Ватани, оптин бешиги, деб ҳисоблай-
ди. Бу ватаннинг тинч-тотувлиги, янада гул-
лаб-яшнаши учун ўзини масъул деб билади.
Унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори
кун сайин ошиб бораётганидан, нуфузи мус-
таҳкамланаётганидан чексиз фахрланади.

Юртимизда ҳуқи сураётган тинчлик, аҳил-
иноқликка ҳамманинг ҳаваси келади. Мам-
лакатимиз тарихан қисқа даврда ўз кучи ва
салоҳиятига таянган, сарҳадларини, тинч
ва осуада ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган,
бугун изчил, барқарор суръатлар билан ри-
вожланиб бораётган замонавий, мустақил
ва суверен давлатга айлангани барчамизга
гурур-ифтихор бағишламоқда.

Бу ютуқларга мустақиллик тўғрисида эри-
шилди. Давлатимиз раҳбарининг қатъий
халқчил сиёсати, халқимизнинг сабр-бар-
доши, ғайрат-шижоати, улуг келажакка бўл-
ган ишончи, олижаноб фазилатлари боис,
мустақил тараққиёт йўлида учраётган турли
сунъий тўсиқлар ениб ўтилмоқда. Дунё-
нинг турли мамлакатлари турли моҳаролар,
экстремизм, терроризм, наркотрафик, одам
савдоси каби балолардан озор чекиб тур-
ган бир пайтда, юртимизда халқимизнинг
моддий фаровонлиги тобора яхшиланиб,
янги иш ўринлари барпо этилаётгани, озиқ-
овқат хавфсизлиги таъминлангани, нарх-наво
барқарорлашиб, даромад манбалари кў-
паяётгани ҳавас қилишга арзийди. Халқни-
сиз, чиндан ҳам, бугунги дунёқарашни, онгу
тафаккури, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофда
кечаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати,
ижтимоий-сиёсий қарашлари билан ўтган
асрнинг 90-йиллари одамларидан кескин
фарқ қилади. Замонавий билимларни пухта
эгаллаган, жисмонан чиниққан, халқаро фан
олимпиадалари ва спорт мусобақаларида
ғолиблиқни кўлга киритиб, юксак марралар-
ни забт этаётган ёшлар эса буюк истиклоли-
мизнинг умидбахш медаллари, халқимизнинг
ишончи ва таянчидир.



“Биз бугун, ҳаётимизда энг улуг ва энг
азиз бўлиб қолган байрамимизнинг
ўттизинчи йилида шу тўғрисида
ўйлар эканмиз, нечоғлиқ қийин ва
мураккаб йўлни босиб ўтганимизни,
халқимизнинг пешонасига мустақиллик
нури текканида мамлакатда, минтақа
ҳудудидида, дунёда қандай қалтис вазият
мавжудлигини доимо ёдда тутишимиз
зарурлигини ҳис этамиз.”

Дунё мамлакатлари тарихидан яхши маъ-
лумки, мустақил фикрлай оладиган, ҳар жи-
ҳатдан малакали ва билимдон, баркамол
ёшлар миллат олдида турган ҳар қандай
мураккаб, масъулиятли вазифани ҳал этиш-
га қодир бўлади. Биз бугун босиб ўтилган
30 йиллик тарихан қисқа, аммо эътиборли
давр ичида эришган ютуқларимиз ҳақида
ўйлар эканмиз, давлатимизнинг бу борада
тутган йўли нақадар тўғри эканига яна бир
бор ишонч ҳосил қиламиз.

Тарихда жангу жадаллар билан муста-
қилликка эришган, аммо бепарволикка йўл
қўйиб, ҳамжиҳат бўлмади, ягона мақсад йўли-
да бирлашмай, уни қўлдан бой берган мам-
лакатлар, халқлар кўп бўлган. Не бахтки,
халқимиз тарихнинг бу аччиқ сабоқларидан
тўғри хулоса чиқариб, мустақиллиқни, мам-
лакатдаги тинч-тотув ҳаётни, миллатлараро
аҳил-иноқликни сақлаб қолди. Миллий маъ-
дудликка берилмади, жаҳон ҳамжамияти би-
лан манфаатли ҳамкорлик алоқаларини кенг
милқсда йўлга қўйди. Турмуш тарзимида,
онгу шууримизда миллий ва умуминсоний
кадриятлар уйғунлиги ўз ифодасини топди.

Истиклолни кўлга киритиш миллат учун
катта бир ютуқ бўлса, уни асраб-авайлаш,
мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ва иқти-
содий асосларини яратиш, жамият ҳаётини
тамомила янгиликдан изга солиш ва ривожлан-

тириш, янги жамиятнинг янги аъзоларини
тарбиялашдек муҳим вазифаларни худди
шундай буюк ғалабага тенглаш мумкин.

Истиклолимизнинг ҳар куни, ҳар оyi, таъ-
бир жоиз бўлса, ҳар дақиқаси тинимсиз ку-
рашлар, изланишлар билан ўтмоқда. Ҳамма
соҳани испоҳ қилишга, мустақиллик имора-
тини пойдеворидан бошлаб қайта қуришга,
мамлакат иқтисодини янада соғломлашти-
ришга, иқтисодий узилишларнинг олдини
олишга, омилкорлик ва тадбиркорлик билан
иш тутишга тўғри келмоқда.

Донишманд боболаримиз панду ўғитла-
рида, давлат арбобларининг сиёсий-хуку-
қий қарашларида ҳар қандай миллат аҳил
ва иноқ бўлмаса, ўзи кўзлаган мақсад сари
интилишида бир ёқадан бош чиқариб, со-
лом фикр асосида баҳамжияҳат ҳаракат қил-
маса, масъулият ва ҳушёрлигини йўқотади-
ган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта,
тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва
озодлигидан жудо бўлиши мумкинлиги так-
рор-такрор ўқитилган. Бундан англашила-
дики, “оммавий маданият” ва бошқа турли
жозибали ниқобларга бурқалиб, онгу шуури-
мизга ошқора-пинҳона ёпирилиб келаётган,
ҳаётий тажрибаси ҳали етарли бўлмаган
ўсмирларни нишонга олаётган, асл мақсади
бўзғунчилик, ёшларни тўғри йўлдан чалғи-
тиш, дунёқарашини эгаллаш бўлган хатти-
ҳаракатларга асло бефарқ бўлмаслик керак.

Истиклол даҳратининг ҳар бир япроғини
беғона шамоллардан асраш лозим. Бу иш
билан ҳар бир киши, ёши ва касбидан қатъи
назар, муттасил шуғулланиши, меҳнат фао-
лиятида, оила ва маҳаллада миллат тақ-
дирига, мамлакат келажагига дахлдорлик
туйғусини ҳис этиши, атрофда кечаётган
воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ке-
рак. Бир кишининг бефарқлигидан бора-бо-
ра бир неча кишининг бефарқ ва лоқайдлиги
келиб чиқади. Бу иллат жуда тез урчиғди.
Ҳар бир кишининг огоҳлиги, қуюнчақлиги ва

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси
бош муҳарририга берган интервьюси фаолиятимизнинг асоси бўлиб хизмат
қилиши билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида “Янги Ўзбекистон” номли
саҳифани очиб берган тарихий ҳужжат, бу — 2017—2021 йилларда
Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши
бўйича Ҳаракатлар стратегияси бўлди. Бешта йўналишни қамраб олган
мазкур ҳужжат ҳозиргача бешта Давлат дастури орқали амалга ошириб
келинмоқда. Чунки 2017 йилги Давлат дастури айнан “Халқ билан мулоқот
ва инсон манфаатлари йили” деб номланиб, аҳоли муурожаатлари билан
ишлаш бўйича янги талаб ва механизмлар жорий этилди.

МАҚСАДИМИЗ — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ВА ҚУДРАТЛИ ДАВЛАТГА АЙЛАНИШИГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШИШ



**Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлисининг Инсон
ҳуқуқлари бўйича вакили
(омбудсман)**

Юртимизда халқ билан мулоқот қилиш
давлат ва жамият фаолиятининг устувор ме-
зони этиб белгиланди. Давлат идораларига
муурожаат қилишда қулайликлар яратилди.
Президентнинг Халқ қабулхоналари ва вир-
туал қабулхонаси, давлат бошқаруви органла-
ри ва ташкилотларда ташкил этилган қабул-
хоналар фаолияти йўлга қўйилди. Парламент
аъзолари ва давлат органлари раҳбарлари
хуудларда сайёр қабуллар орқали аҳоли
муаммоларини ўрганиб, уларни бартараф
этишга киришди. Натижада ҳар бир ташкилот
ва идора фуқароларни қабул қилиш ва улар-
нинг муаммоларини ўрганишини бошлади.

Муурожаатлар таҳлили аҳолини қийнаб ке-
лаётган кўплаб масалаларни юзага чиқарди.
Жумладан, турар жойга эҳтиёж, “прописка”,
мажбурий меҳнат, оиладаги зўравонлик, сўз эр-
кинлигини чеклаш, турли бюрократик тўсиқлар
каби орқикли масалалар инсон ҳуқуқлари чекла-
нишига сабаб бўлаётган эди.

Давлатимиз раҳбари интервьюда таъкид-
лаганидек, сўнгги йилларда амалга оширилган
испоҳотлар натижасида “инсон ҳуқуқ ва эр-
кинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиқ-
лик ва ошқоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва
эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”,
“гендер тенглик”, “хусусий мулк дахл-
сизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги”
сингари фундаментал демократик тушунчалар
ва ҳаётий қўнимлар ҳозирги вақтда реал воқе-
ликка айланиб бораётгани эътиборлидир.

Президентимизнинг очиқлик ва ошқоралик
сиёсати инсон ҳуқуқлари таъминлашида му-
ҳим аҳамиятга эга. Ушбу сиёсат орқали давлат
органларининг халқ олдидаги масъулияти ҳам-
да ҳисобдорлиги ошди. Қолаверса, жамиятда-
ги мавжуд муаммоларни ўрганиш мақсадида
жамоатчилик назорати олиб борилишига ҳам
кенг йўл очилди.

Фуқаролик жамияти институтлари ҳам-
да оммавий ахборот воситалари томонидан
олиб бориладиган қузуатувлар натижасида му-
рожаатларда кўтарилган масалаларнинг жойига
чикиб ўрганилиши, шунингдек, улар бўйича
зудлик билан муносабат билдириш мажбу-
риятининг йўлга қўйилиши кўплаб муаммо-
ларнинг қисқа муддатда ҳал этилишига сабаб
бўлмоқда.

Энг муҳими, мамлакатимизда сўз эркинлиги
қарор топди. Агар оммавий ахборот воситаля-
рининг беш йил аввалги фаолиятига назар сол-
сак, бугун улар “тўртинчи ҳокимият” сифатида
тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўламиз.
Ҳозирги кунда хабарларни яшириш ёки бошқа-
ришининг имкони йўқ. Ягона чора эса масалани
ҳал этишдир.

Юртимизда гендер тенгликни таъминлаш бо-
расида ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Минглаб
юртдошларимизнинг фуқаролиги ҳал этилиб,
прописка тизимида таъминлаш хусусиятидаги
рўйхатдан ўтказиш жорий этилди. Хорижга чи-
қиш учун “стикер”, мажбурий меҳнат, пахта ва
ғаллага давлат буюртмасини белгилаш каби
эски тартиблардан муллага воз кечиш бўйича
ғоят муҳим қарорлар қабул қилинди.

Мамлакатимиз ҳаётидаги яна бир муҳим
воқеалардан бири Ўзбекистон Республикаси

Президентининг фармони билан “Инсон ҳу-
қуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг
Миллий стратегияси” тасдиқланиши бўлди.
Фармонга кўра, инсон ҳуқуқлари бўйича халқ-
қаро шартномалар нормалари талабларини
бажариш юзасидан масъул давлат органлари
ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўна-
лишлари белгилаб берилди.

Қолаверса, мамлакатимизда Ҳаракатлар
стратегиясини амалга ошириш доирасида
Омбудсман ваколатлари ҳам кенгайтирилиб,
қийноқларга қарши курашиш борасида муҳим
қадам қўйилди. 2019 йилда илғор халқаро таж-
рибаларга асосланиб, Омбудсман ҳузурида
қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайрини-
соний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала
ҳамда жазо турларининг олдини олиш бўйича
миллий превентив механизм йўлга қўйилди
ҳамда шу орқали қийноқ ҳолатларининг олдини
олиш бўйича Парламент ва жамоатчилик назо-
рати ўрнатилишига эришилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 26 июн-
даги “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва
уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаш-
тиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғри-
сида”ги қарори эса миллий превентив механизм
фаолиятини янада такомиллаштиришга замин
яратди. Зеро, ушбу механизмнинг самарали

2020 йилнинг октябрь
ойида миллий
давлатчилигимиз
тарихида ilk бор
Ўзбекистон БМТнинг
асосий органларидан
бири — Инсон
ҳуқуқлари кенгашига
аъзо этиб сайланди.
Бу мамлакатимизда
инсон ҳуқуқлари
ва эркинликлари
таъминланаётганининг
халқаро эътирофидир.
Чунки Ўзбекистон
халқаро миқёсдаги юқори
минбарлардан туриб
ўз сўзини айтмоқда,
ташаббусларини илгари
сурмоқда.

амалга оширилиши нафақат қийноқларга қарши
курашиш самарадорлиги кафолати, балки халқ-
қаро майдонда мамлакатимизни нуфузи юксали-
шига ҳам хизмат қилувчи омилдир.

Тан олиш керак, авваллари хорижлик экс-
пертлар билан суҳбатда халқаро стандартлар
ҳақида сўз кетганда вазиятдан қандай чиқиб
кейтиш чораларини ўйлар эдик. Бугун деярли
барча соҳаларда андоза олишга аргизулик таж-
рибамиз бор. Энг муҳими, ушбу ижобий ўзга-
ришлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эъ-
тироф этилмоқда.

Хусусан, 2020 йилнинг октябрь ойида миллий
давлатчилигимиз тарихида ilk бор Ўзбекистон
БМТнинг асосий органларидан бири — Инсон
ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди. Бу
мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлик-
лари таъминланаётганининг халқаро эътиро-
фидир. Чунки Ўзбекистон халқаро миқёсдаги
юқори минбарлардан туриб ўз сўзини айтмоқда,
ташаббусларини илгари сурмоқда.

Президентимиз интервьюда таъкидлага-
нидек, “Янги Ўзбекистон — демократия,
инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида
умумэътироф этилган норма ва принципларга
қатъий амал қилган ҳолда жаҳон
ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик та-
моийиллари асосида ривожланадиган, пи-
роравр мақсади халқимиз учун эркин, обод
ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат
бўлган давлатдир”.

Дарҳақиқат, мамлакатни ривожлантиришга
барчамиз масъулмиз. Шундай экан, ҳар бири-
мизнинг энг олий мақсадимиз — Ўзбекистони-
миз дунёнинг илғор давлатлари қаторида муно-
сиз ўринга эга, ҳар томонлама тараққий этган ва
қудратли давлатга айланишига ўз ҳиссамизни
қўшиш бўлиши зарур.

ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг

30 йиллигига бағишланади



Нодир ЖОНУЗОҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
“Дўстлик” ордени соҳиби

Буюк Тангри аршидан “Бўл!” деган сўз таралди,
Коинот буржларига ёйилди нурли садо.
Кўёшу Ой, юлдузлар, сайёралар яралди,
Муҳаббат ёғдусидан ёришиб кетди само.

Тошлар ичра садафдай ажралди тенгсиз Замин,
Тозлар гуркираб ўсди, долгалинди уммонлар.
Аждодларим илк бора ёқди тириклик шаъмин,
Шуурлар равшан тортиб, тўзди қора гўмонлар.

Милён йиллар нарида сангиган одамизод
Тийнатиға шу элат шуълалар баҳи айлади.
Вулқонлар, чақмоқларнинг бағрида қилиб ижод,
Харсангларга безавол қалбини нақш айлади.

Икки дарё ёқалаб қадади олтин уруғ,
Тўзиган қўмлар аро тиклади шахру кентлар.
Чўкич тутган қўлларда пайдо бўлди муҳр, туг —
Давлат қуриб, қўриди ботиқ сак, массагетлар.

Ўғиллар учун отга минди ёвқур Тўмарис,
Оналар учун юзин қонга белади Широқ;
“Озодлик, хурлик учун, майли, фидо бўлармиз,
Ватан абадий қолгай, халқ боқий яшар бироқ!”.

Шашир ё найза билан шухрат қозонмас миллат —
Кўнглига кўрк бермаса илоҳий жилвалар то.
Башарга эззуликдан сабоқ берди беминнат
Донишманд эл руҳида сайқал топган “Авесто”.

Иймони бутун қавм қаттолға бўлмағай қул,
Гарчи ёғий эса-да неча зобит, ситамгар.
Спитамен зарбидан тинкаси қуриб буткул,
Тўзиган қўшинига хайрон боқди Искандар.

Бешта тарқоқ қавмни мушт айлаган маро Кадфиз
Барпо қилди салтанат, номи жасрангдор — Кушон.
Хайқирди у: “Жаҳонга доғруқ солган элатмиз,
Ярашмайди дунёдан ўтиб кетсак биз бешон!”.

Боболар жасорати арзигай ўрганишига,
Хотиралар ётибди қат-қат ва уюм-уюм.
Қоратена бағридан қувват олган Канишка
Қаришисида бош эгиб турган, ахир, Хитой, Рум.

Билиг билан оламини лол этди Билга хоқон,
Тунюқуқ кун тугди-ю, Қўлтегиндан чиқди чўғ.
Кўён халқаси каби кенгайди қўтлуғ макон,
Бир қўлда битик чекиб, бир қўлда отдилар ўқ.

Бохтар бахтига кимдан олмишидир улғу, тамсил?!
Кимларга ҳавас бўлмиш муззам Сўғдиёна?!
Тинчлиғу маърифатга элчи бўлди муттасил —
Шу тўпроқдан ёйилди кенг дунёга диёнат.

Олис-яқин қитъалар, қўтбларнинг қўлини
Ўзаро туташтириб, дўстликка чозлаганмиз.
Инакдай равон қилиб Буюк инак йўлини,
Меҳр билан мағрибни маширққа боглаганмиз.

Бу бир йўлки — туялар, отларни майиштириб,
Зебу зийнат, сарватлар хирмон-хирмон ташилган.
Бу бир йўлки — дилларни дилларга қайиштириб,
Тафаккур қарвонида илму урфон ташилган.

Бу қарвонга сарбонлик қилди Беруний бобо,
Қомусий билим билан ёқди йўлларда маёқ.
Ушлаганинг олтинчи, қумушми ё қаҳрабо —
Ўқтирди: ашёларнинг аввало мағзига боқ.



“Етти ўлчаб бир кесил, ҳисобинг бўлсин пухта,
Умринг савдоси синиб, ўзингга қилма жабр...” —
Муҳаммад ал-Хоразмий (ёнмасин деб андуҳда)
Авом дунё кўлига тутди “Китоб ал-жабр...”.

Фарғоний чизиб берган хариатага кўз тикиб,
Қарвон ҳеч адашмади — сафар қолмади чала.
Нилометрға боқди Миср аҳли энтикиб —
Сув сатҳини аниқлаб, ризқини қилди чамала.

Ким ҳолдан тойиб, беҳуш йиқилса гар, бир пасда
Мадад қўлини чўзди дарҳол Хизрдай сиймо.
Деди, олам ҳеч қачон бўлмасин фалаж, хаста,
Борлиқ томир уришини тинглади Ибн Сино.

“Вужудда бир аъзо бор, у соғ бўлса — соғ тана,
Мабодо, у айниса — бузилгайдир вужуд ҳам...” —
Минглаб саҳиҳ ҳадисни йиғиб, тиклади яна,
Имом Бухорийдан қарз, миннатдор мўмин олам.

“Бешик билинг, бу дунё барча элдан ўтаро,
Наф бермас ҳеч инсонга на мансаб, на насаби.
Ҳаққа юзлансин ҳаво, тўпроқ, сув ва ўт аро...” —
Ҳикмат дурларин сочиб ўтди ҳазрат Ясавий.

Ва лекин қуфр аҳли кўққисдан қилгай хуруж,
Қутурган қашқирлардай ташилангайдир дафъатан.
Шерюрак Жалолиддин ёвға очаркан уруш,
Муқаддас номусини сақлади мангу Ватан.

Арслон изидан арслон, йўлбарс изидан йўлбарс
Келгандай, салтанатга соҳиб чиқди-ку Темур.
“Биз — музаффар миллатмиз, аросат бизнинг йўлмас...” —
Қалам ва қилич ила очунга йўллади нур.

Бу нурдан зиё олиб кўкка боқди Улугбек,
Элнинг толе буржини жаввалларга солди у.
Дунё май қосасида кўпирганда гараз, кек,
Абадий сўнмайдиган юлдуз бўлиб қолди у.

Шу юлдуз шуъласига маҳлиё бўлиб, асир,
Шеърят осмонида кўёш бўлди Навоий.
Етти иқлимга ёйиб она тил тантанасин,
Сўз мулкида султонга қиёс бўлди Навоий.

Шу даҳога муносиб издош чиқди бир султон,
Тақдир хатин ҳижжесалаб, тузди туркий хатини.
Қадам етганча кетиб, Ватанга келтирди шон,
Ҳинда барқарор айлаб Бобуришох давлатини.

Шер қувлаган кийикдай қисматдан қочур банда,
Тақдирга юз бурганлар бўлмай Худонинг ёри.
Ялангтўш Баҳодир ном қозонди Самарқанда —
“Тоғмаҳал”дан қолишмас “Шердор”у “Тиллақори”.

Асру замонлар ўтди,
Давру давронлар ўтди,
Чор атрофга боқиб зор, бечора жонлар ўтди.
Уча бўлинди улус, айри туғиди раият,
Чор зарбидан ҳоли танг амиру хонлар ўтди.

“Уйғон, эй миллат!” — дея куйди жасид боболар,
Борини юртга тикди — ачиммади эконига.
Изгирига айланди майин-сарин саболар,
Қизил тоғлар бўялди шаҳидларнинг қонига.

Маҳмудхўжа Бехбуди, Мунаввар Қори, Фитрат,
Сўфизода, Тавалло, Ҳамза, Қодирий, Чўлпон...
Тегирмон қаришисида чўк тушмадилар титраб,
Жонини ол, дедилар, керак бўлса гар ўлпон...

Қатагонга эш бўлиб келди Жаҳон Уруши,
Қонсираган нафаси сочди даҳшат ва ваҳм.
Тинчликка тиргак бўлди ўзбекнинг маро юриши —
Жонини қалқон қилди минг-минглаб Собир Раҳим...

Жангда тобланиб қайтган жасур маро дилбандларинг мўл,
Шароф ота — ҳолиблар ичра бир фидойи экон.
Аждаҳонинг оғзига узатган сингари қўл,
Ҳақ талашиди, яшнаса бас дея Ўзбекистон.



Мустақиллик!!!
Қўзлардан тошди юлдуз шодаси,
Муз қотган қароғларни эритди ўтли ҳилол.
Йўлбошичи маёқ тутди — хуррият нишонаси,
Донгил йўлга чорлади дасти баланд Истиқлол.

Жаҳон саҳнида бошлаб ёш давлат тетапоя,
Ҳавасу ҳасад ила боқди не-не ўлкалар.
Синовлар ҳам кўп бўлди...
Нур борки — бўлмай соя,
Кўёшини ямласам дер зулмат туққан кўлкалар.

Шукр, минг бора шукр,
Тангри ўзбекни сийлаб,
Янги Ўзбекистонга ҳақпараст даврон берди.
Оқил эл ўзи учун мунаввар йўлни сайлаб,
Толейин тасдиқловчи шаҳодат, фармон берди.

Халқ рози — Ҳақ розидир, Ватанга хизмат — шараф,
Эл — энг одил қозидир, бўлгил доим эл тараф.
Замоннинг талаби шу — мурдама, олдинга бос,
Ҳақни тараннум этгил, халқнинг қорига яраб.

Обод мамлакат тарҳин чизмоқда моҳир Меъмор,
Ўқсалгай эл — қаерда юрт учун ёниш бўлгай.
Илму фан, ижод бирла қўйилмоқда пойдевор,
Инишооллох, Учинчи Қалқини — Уйғонини бўлгай!

“Ватан учун яша, ўл!” — тоабат тирик сасдир,
Икки дунё жасранглар аждодлар хитобида.
Умримиз зарҳал, ёруз саҳифа бўлса басдир —
Янги Ўзбекистоннинг чарогон китобида!

